

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ахборот
технологияларининг
дастурий таъминоти
кафедраси

**ДАСТУРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Тузувчи: т.ф.н., доц., Латипова Н.Х.

Тошкент 2011

МУНДАРИЖА

1. 1-Маъруза	Кириш. Асосий тушунчалар. Дастурлаш технологияси ва унинг тараққиётини асосий босқичлари. Дастурий таъминот махсулот сифатида. Дастурий таъминот ишончлилиги	3
2. 2-Маъруза	Дастурий таъминотини ишлаб чиқиш босқичлари ва хаётий (яшаш) цикли. Дастурий таъминотини хаётий цикл моделлари	7
3. 3-Маъруза	Дастурий махсулотга тегишли Асосий хужжатлар. “масала қўйилиши” хужжатлари. Мақсадларни аниклаш	12
4. 4-Маъруза	Дастурлаш таъминотини лойихалаш. Лойихалаш усуллари. Дастурий воситанинг лойихалаш жараёнидаги услубий, технологик ташкилий ва инструментал таъминоти. Модуллар ва уларнинг хоссалари	16
5. 5-Маъруза	Объектга йўналтирилган лойихалаш технологиялари. Тизимнинг объектли модели	21
6. 6-Маъруза	Дастурий таъминотни ташқи лойихалаш. Алгоритмни ишлаб чиқиш. Ташқи лойихалаш. ДТ архитектурасини конструкциялаш. “ташқи спецификация” хужжати. Фойдаланувчи билан мулоқат ташкил қилиш	24
7. 7-Маъруза	Дастурлаш. Алгоритм. Дастурлашни режалаштириш. Кадамма - кадам Деталлаштириш усули. Дастур мураккаблиги	29
8. 8-Маъруза	Дастурлаш стили. Структураланган дастурлаш. Кичик дастурлар стандартлари. Ички спецификация хужжати	33
9. 9-Маъруза	Дастур эффективлиги (самарадорлиги). Эффективлик ёки осон ўқилиши? Дастурни оптималлаштириш. Дастур модификацияси. Дастурий таъминот ишончлилиги.	39
10. 10-Маъруза	Хатолар. Химояланган дастурлар. Хатоликлар синфи, хатосиз дастурлаш	42
11. 11-Маъруза	Дастурий таъминотни тестлаш. Тестлаш принциплари ва усуллари. Тестлаш босқичлари. Тестлаш аксиомалари	45
12. 12-Маъруза	Дастурий таъминотни созлаш. Унинг усуллари, режаси	48
13. 13-Маъруза	Дастурий таъминотни баҳолаш. Кириш ва чиқиш хужжатлари. Дастурий таъминот хоссалари	52
14. 14-Маъруза	Сифатли дастурий таъминот хоссалари. Тушунарлик, фойдалиқ, мобиллик, ишлатишга қулайлик, кенгайтирилмоқлик. Дастур сифатини метрик баҳоси	55

15.	15-Маъруза	Дастурий таъминотни ишлатиш. Тегишли хужжатлар.	58
		Ишлатишга кўрсатмалар. Дастурий таъминот архитектураси	
16.		Адабиётлар.....	62

1 –Маъруза

КИРИШ.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР. ДАСТУРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИНИ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ. ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ МАХСУЛОТ СИФАТИДА. ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ИШОНЧЛИЛИГИ

Режа:

- 1. Фаннинг мақсад ва моҳияти.**
- 2. Асосий тушунчалар.**
- 3. Дастурлаш технологияси тараққиётини асосий босқичлари.**
- 4. Дастурий таъминот махсулот сифатида.**
- 5. Дастурий таъминот ишончлилиги.**

Фаннинг мақсад ва моҳияти

Дастурлаш технологияси – дастур яратишнинг усули, методлари ва кўнимкамлариdir.

“**Технология**” сўзининг одатдаги маъносини инобатга олсак, у холда “**дастурлаш технологияси**” деганда талаб қилинган дастурий таъминот (ДТ) яратишга олиб келадиган яратиш жараёнлари, ҳамда ушбу жараёнларни тавсифларини тушунамиз. Дастурларни лойхалаштиришнинг замонавий индустрисал технологияси тизимли таҳлил, ишлаб чиқиши, отладка, хужжатлаштириш ва мутахассислар ишини бошқариш учун мўлжалланган автоматлаштирилган воситалар, хужжатлар ва бошқа тадбирлар комплексидан иборат.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқишининг нархини камайтириш ва дастурчилар ишининг унумдорлигини ошириш учун дастурлаш тили, соҳа, ЭҲМ ва ечиладиган масалага боғлиқ бўлмаган холда юқори профессионал савияда дастур яратишдан иборат методлар мавжуд. Бундай методлар *дастурлаш технологияси* деб аталади.

Дастурлаш технологияси фанининг асосий таърифлари.

- 1-таъриф:** Алгоритм бу маълум турдаги масалаларни ечиш учун кўлланиладиган амаллар мажмуасининг муайян тартибда берилиши.
- 2-таъриф:** Дастур ШЭҲМ да ишлатишга тайёр дастурлаш тилида ёки объектли кодда ёзилган алгоритм.
- 3-таъриф:** Подпрограмма (дастур ости) – бу бирор дастур (асосий дастур) бошқаруви ёрдамида бирор вазифани бажарувчи дастур.
- 4-таъриф:** Модул бу бир хил глобал маълумотлардан фойдаланувчи подпрограммалар кутубхонаси. Бир нечта модул функционал гурух дейилади.
- 5-таъриф:** Дастурлаш комплекси бир нечта функционал гурухдан иборат бўлиб, бирор бир ишлаб чиқариш ёки илмий текшириш соҳасини ўз ичига олган. ЭҲМ ларда ишлатиш учун етарли бўлган аммо хали тугалланмаган ва шартли сифат кўрсаткичларига эга бўлмаган дастурларга айтилади.

- **6-таъриф:** Дастурый таъминоти (воситаси) бу, маълум бир мақсадлар учун мўлжаллаган дастурлар ва шу билан бирга ГОСТ дан ўтган, тегишли техник хужжатлар билан таъминланган дастурлаш комплексига айтилади.
 - **7-таъриф:** Дастурый махсулот, бу универсал дастурий таъминот (воситаси) ва шу билан бирга керакли хужжатлар, сифат кафолатлари, реклама материаллари, ва фойдаланувчини ўқитиш назарда тутилади.

Булардан қуидаги иерархик структура түзиш мүмкін:



Технология - (грекча "хунар ва фан") ишлаб чикариш жараёнларини ўтказишда восита ва услубларни бирлаштирувчи фан.


8-таъриф: Дастандай таъминотни (максулотни) ишлаб чикариш жараёнида қўлланиладиган усуллар ва услублар тўпламига дастурлаш технологияси дейилади.

Хар хил технологиялар каби дастурлаш технологияси хам бир нечта технологик күрсатмалардан (инструкциялардан) иборат:

- технологик жараёнлар (операциялар)нинг бажариш кетма-кетлиги;
 - жарёnlарни ўзини тавсифлаш, хар бир жараён учун бошланғич (кириш) ва натижавий (чиқиш) маълумотларини аниqlаш.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бир неча босқичлардан иборат бўлиб, хар бир босқичнинг ўз технологияси (услуби) бор.

Технологик операция структураси



“Объектга мўлжалланган дастурлаш”.


Катта ҳажмдаги дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун объектга мўлжалланган дастурлаш технологияси таклиф этилди. Бу технология асосида қўйидагилар:

Дастур бир неча объектдан иборат.

Объект алоҳида синфнинг (класс) эгзэмпляриди. Синфлар иерархияни ташкил қилишади. Объектлар ва синфлар меърослик хусусиятига эга. Объектлар аро боғланиш ҳабарлар ёрдамида ўтказилади.

Бу босқич натижасида Delphi, C++, Builder, Visual C++, Java тиллари пайдо бўлган.

Бу босқич дастурининг архитектураси:



“Компонентали йўналиш ва Case технологиялар”

Компонентали йўналиш асосида дастурний таъминотни алоҳида компоненталаридан яратиш услулари назарда тутилади. Компонент бу

бутунлай алоҳида мавжуд бўлган дастурий таъминотни қисмидир. Бу қисмлар стандарт иккилиқ интерфейс ёрдамида бир бири билан алоқа қилишади. 2000-йилдан бошлаб ривожланган. Case (Computer-Aided Software/System Engineering- дастурий таъминот/ тизимларини компьютер ёрдамида ишлаб чиқиш).

Дастурий таъминотнинг ишончлилиги

Дастурий таъминот фойдаланувчи учун зарур бўлган барча ахборотни бера олмас экан. Бу таъминотни ишончли деб бўлмайди. Ёки бу холда дастурий таъминотда хатолик мавжуд дейилади.

Дастурий таъминотнинг ишончлилиги сифатида маълум бир вақт жараёнида дастурий таъминотнинг тўғри ишлаш эҳтимоллигига айтилади. Дастурнинг ишончлилиги унинг ички хусусияти ҳисобланади. Бу дастурнинг қай даражада ишлатилишига тегишли. Дастурий таъминотда маҳсулотни қанча кўп созланса, ёки тестланса, у шунча яхшироқ ишлайди деган тушунчани инкор қиласи. Бу холатларда маълум бир ички хатоликлар аниқланади. Умуман, созлаш жараёнида хатоликларни тузатиш нархи вақтга тўғри пропорционал эканини эсда тутиш лозим.

Назорат саволлари:

1. Фаннинг мақсад ва моҳияти.
2. Асосий тушунчаларни кўрсатинг.
3. Дастурлаш технологияси тараққиётини асосий босқичларини кўрсатинг
4. Дастурий таъминот маҳсулот сифатида.
5. Дастурий таъминот ишончлилиги нима?

Калит сўзлар:

Алгоритм, дастур, модул, функционал гурух, дастурий комплекс, дастурий таъминот, дастурий маҳсулот

Адабиётлар рўйхати:

1. Г. С. Иванова. Технология программирования // МГТУ им. Баумана, 2002.
2. Э. Дейкстра. Заметки по структурному программированию // У. Дал, Э.
3. Дейкстра, К. Хоор. Структурное программирование. - М.: Мир, 1975.
4. Е.А. Жоголев. Технологические основы модульного программирования. //Программирование, 1980.

2-Маъруза

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БОСКИЧЛАРИ ВА ХАЁТИЙ (ЯШАШ) ЦИКЛИ. ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ХАЁТИЙ ЦИКЛ МОДЕЛЛАРИ.

Режа:

- 1. Дастурлаш воситасининг яшаш цикли.**
- 2. Яшаш цикли синфлари.**
- 3. Яшаш цикли стандарти.**
- 4. Яшаш цикли моделлари.**

Дастурлаш воситасининг яшаш цикли деб, унга бўлган эхтиёждан бошлаб то унинг бутунлай эскириб ишлатилмайдиган ҳолга келгунча кетган вақтига айтилади. Дастурлаш воситасининг яшаши жараёнини бир неча босқичларга ажратиш мумкин. Аммо, бу холда уни яшаш жараёнила мавжуд бўлиши мумкин бўлган унга ўхшашибошқа босқичларни ажратишга тўғри келади. Шунга кўра, барча дастурий воситаларни яшаш цикли узунлигига кўра 2та синфга ажратиш кўзда тутилади:

1. Кам вақт талаб қиласидиган дастурлаш воситалари (10-20000 операторгача)
2. Кўп вақт талаб қиласидиган дастурлаш воситалари (10000 оператордан бошлаб).

Яшаш цикли жараёнининг тартиби халқаро стандарт бўйича регламентланади. *ISO/IES 12207:1995 “Information Technologe – Software Life Cycle Processes”* (“Ахборот технологиялари-дастурий таъминот яшаш циклининг жараёнлари”).


ISO-International Organization for Standardization. IES-International Electro technical Commission

Бу стандарт дастурний таъминот яшаш цикли тизимини ва унинг жараёнини намоён қиласиди. “Яшаш циклининг жараёнлари бу кириш маълумотларини чиқиш маълумотларга ўзгартирадиган ўзаро боғлиқ амаллар тўплами” Г.Иванова.

Дастурий таъминотни яшаш циклининг 4та модели мавжуд:


1-модель. Какскадли модель.

Бу модел бўйича хар бир кейинги босқичга ўтиш фақатгина олдинги босқич тўла тугаллангандан сўнг бошланади.




2- модел. Оралиқ назорат модели.

Бу модел асосида итерация усули қўйилган, яъни ҳар бир босқичдан хохлаган босқичга кайтиш мумкин.




3- модель. Спиралли модель.

Бу асосида прототипирование усули қўйилган. Прототип дастурий махсулот бўлиб, у ишлаб чиқарилаётган дастурий таъминотнинг махсус функциялари ва ташқи интерфейсини ишлатишга ёрдам беради.



4-модель. Умумлаштирилган модел.



1. Дастурий маҳсулот яшаш циклининг биринчи босқичи системали таҳлил дейилади. Бу босқичда дастурий маҳсулотга бўлган талаб унинг асосий функционал характеристикаларини аниклади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетиши мумкин бўлган маблак хисобланади, маҳсулотни ишлатилиш самарадорлиги аникланади. Бу босқичда юкорида келтирилганлар билан биргаликда берилган масаланинг максади аникланади. Жуда кўп холларда бу босқич икки хил йўналишда изланиш рӯёбга чиқариш йўналишларида олиб борилади.

1.1. Изланиш- боскичи, ишлаб чикариш рахбари дастурий махсулотга бўлган талабларни аниклаб уларнинг кетма-кетлигини тартибга солади.

1.2. Рўёбга чикариш- боскичи, изланиш боскичининг техник кисми хсобланади. Бу бўлимда хосил килинган махсулотни баҳолаш имконияти текширилади.

Эксплуатион рўёбга чикариш-яъни махсулотни амалий равища ишлатиш куляй бўладими ёки йўкми деган саволларга жавоб беради. Иктисодий рўёбга чикариш боскичидаги ишлаб чикарилаётган махсулотнинг тантнархи фойдаланувчига куляй бўладими ва иктисодий жихатдан самарали махсулот бўладими еки йўкми деган саволларга жавоб излайди.

2. Дастурий махсулотни лойихалаш. Лойиха сўзи луғатда режа асосида бирор бир кўринишга келтириш каби аниқланган.

2.1. Конструкциялаш босқичи маълум бир мақсадлар аниқлангандан сўнг бошланади.

2.1.1. Ташқи лойиханинг бу босқичида ташқи лойихалашнинг фойдаланувчи билан мулоқоти аниқланади

2.1.2. Модулнинг архитектурасини аниқлаш жараёнида бутун лойихаларни ташкил қилувчи дастурлар, модуллар, компоненталар ва улар орасидаги боғлиқлик аниқланади.

2.1.3. Бу босқич натижасида маълумотлар базаси лойихаланади

2.2. Дастурлаш. Бу босқич конструкциялаш билан биргаликда олиб борилади.

2.2.1. Ички лойихалаш бунда дастурий махсулотни ташкил қилувчи модулларни ички лойихаси хосил қилинади.

2.2.2. Дастурни созлаш.

2.2.3. Дастурни кодлаш, яъни алгоритмни танлаб олинган дастурлаш ёки машина тилида ёзиш.

3. Дастурий махсулотни баҳолаш ва синаш. Бунда дастурий махсулот системали синовдан ўтказилади. Босқич дастурий таъминотни ташкил қилувчи барча модуллар ёзилиб, созлаб бўлгандан сўнг бошланади.

4. Дастурий махсулотни ишлатиш. Бу босқич дастурий махсулот тақсимлаш системасига ўтказилганидан сўнг бошланади.

4.1. Эксплуатация бу дастурни белгиланган вақтда ишлатиш.

4.2. Дастурий махсулотни белгиланган вақтда кузатиб бориш.

Назорат саволлари:

1. Дастурлаш воситасининг яшаш цикли нима?
2. Яшаш цикли синфларини кўрсатинг
3. Яшаш цикли стандарти нима?
4. Яшаш цикли моделларини кўрсатинг.

Калит сўзи

Яшаш цикли, яшаш цикли синфлари, яшаш цикли моделлари

Адабиётлар рўйхати:

1. Д. А. Чернев. Технология разработки программного обеспечения.// Издательство “Мехнат”, 2004
2. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2002

3-Маъруза

ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТГА ТЕГИШЛИ АСОСИЙ ХУЖЖАТЛАР. “МАСАЛА ҚЎЙИЛИШИ” ХУЖЖАТЛАРИ. МАҚСАДЛАРНИ АНИҚЛАШ

Режа:

- 1. Дастурий махсулотга тегишли асосий хужжатлар**
- 2. “Масала қўйиши” хужжатлари**
- 3. Мақсадларни аниқлаш**

“Масала берилиши хужжати” фойдаланувчи томонидан берилган талаблар спецификация деб аталувчи махсус хужжатларда расмийлаштирилади.

Барча талаблар табиий тилда келтирилиб, аниқ кўринишга эга бўлиши шарт. Масала берилиши хужжати – бу хужжат энг биринчи ёзилади ва қўйидаги бўлимлардан иборат.

Мақсадларни аниқлаш

Мақсад сифатида дастурий махсулот учун танлаб олинган аниқ йўналиш тушунилади. Мақсадларни аниқлаш жараёни билан бир хил йўналишда олиб борилади. Махсулотнинг мақсади, яъни фойдаланувчи нуқтаи назаридан натижавий ечимга олиб келиш йўллари. Бунга лойихалаш графиги, нархи, тестлаш жараёни киритилади.

Дастурий махсулот мақсадини қўйидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин:

Ишончлилик – бунга маълум бир вақт мобайнида дастурий махсулот узинишиз ишлаш мезони киритилади.

Умумийлик – бу корхонанинг қуввати, ходимлар сони билан характерланади.

Тайёр тизимини психологик омиллари – бу дастурий махсулотнинг тушунувчанлигини, ишлатишга қулайлик, нотўғри ишлатишдан химоялаш, буларнинг хаммаси дастурий махсулот хажмини бир мунча оширади, аммо шу билан биргаликда дастурий махсулотнинг самарадорлигини оширади. **Мослашувчанлик** – бу кўрсаткич ёрдамида дастурий махсулотнинг кенгайтирилиши амалга оширилади, яъни махсулот шу кўринишда яратилиши лозимки, унга зарур бўлган холда оддий равишда фойдаланувчининг функцияси киритилиши мумкин бўлсин.

Кузатиб бориш - бунда вақт мезони хисобга олинади, шу билан биргаликда дастурдаги хатоликларни тузатиш учун келган вақт бунга киради.

Хавфсизлик - бунда зарур ахборот сақланган файллар ёки папкалар бошқа файллар томонидан тасодифан ўчирилиб кетиши эҳтимоллиги кўзда тутилади.

Дастурий махсулотнинг таннархи – бунда дастлабки ишлаб чиқаришга ва кузатиб боришга кетган маблағлар хисобга олинади. “Одатда

махсулотнинг нархи ундаги мавжуд хатоликларга тескари пропорционал бўлади” – Ван Тассел.

Шунга кўра, дастурий махсулот қанчалик ишончли, умумий, мосланувчан, хавфсиз бўлса, унинг нархи шунча юқори бўлади.

Махсулот мақсади

резюме – бунда ишлабчиқилаётган махсулотни умумий йўналиши тавсифланиши керак.

Фойдаланувчини аниқлаш. Агар ишлаб чиқилаётган дастурий махсулот катта бўлса ва унинг фойдаланувчилари сифатида турли гурух фойдаланувчилари бўлиши мумкин бўлса, ўрни аниқланмоғи лозим.

Фойдаланувчилар кетма-кетлиги – бунда дастурий махсулот фойдаланувчи нуқтаи назаридан махсулот томонидан таъминланадиган барча функциялар тавсифланади.

Календарь режа хужжати – бунда дастурий махсулот ёзиш босқичлари аниқланади, ҳар бир бажарган босқич тўғрисида маълумот беради.

Самарадорлик – бунда ишлаб чиқариш мақсади тушунилади, яъни вақт, ўтказувчанлик имкониятлари, мослашувчанлик воситалари ҳисобланади.

Дастурий махсулотнинг бошқалар билан мослашувчанлиги – бунда давлат ва халқаро стандартларга мослашиш талаб қилинади.

Дастурий махсулот конфигурацияси – яъни яратилаётган дастурий махсулот бирор-бир бошқа каттароқ тизимнинг таркибига кириши ва ўзи алоҳида ишлаши таъминланishi лозим.

Тасодифий мурожаатлардан химоланиш – пароль.

Хизмат кўрсатиши.

Дастурий махсулот ишини йўлга қўйиш – ўрнатиш, созлаш.

Лойиха мақсади. Лойиха мақсади бўлимида қўйидаги саволларга тўлиқ жавоб бериш шарт.

1. Лойиханинг таҳминий нархи қандай?
2. Лойиханинг тақвимий режаси.
3. тестлаш жараёнининг мақсади.
4. мослашувчанлик жараёнини мақсади.
5. Кузатиб бориш жараёнидаги рўй бериш мумкин бўлган муаммолар.
6. Дастурлаш босқичини ишончлилиги.
7. Лойихани ишлаб чиқаришдаги ички хужжатлар.
8. “Лойихани мақсадини” аниқлашда қўйидаги кўринишдаги хатоликлар кенг тарқалган.
9. Мақсадлар бир-бири билан қарама-қаршиликда бўлади.
10. Мақсадлар ошкор равишда келтирилмайди.

Лойиха мақсадлари кўзда тутилмайди – Г.Иванова китобидан.

Дастурлаш махсулотини лойихалаш. Лойихалаш сўзи луғатда режа асосида бирор-бир кўринишда бўлади. Дастурий махсулотни лойихалаш иерархик декомпозиция асосида олиб борилади. Бунда бирор-бир

муракквб кўринишга эга бўлган лойиха оддий кўринишга эга бўлган кичикроқ муаммоларга бўлинади.

Бу муаммолар ўз навбатида янада майдароқ қисмга бўлинади.

Иерархик декомпозиция табиий кўринишларга эга бўлиб, амалиёт жуда кўп ишлатилади.

Иерархик декомпозиция хосил қилиш қўйидаги қоидаларга бўйсунади.

Иерархиянинг хар бир сатҳида келтирилган режа ёки лойиха бу сатҳда тугалланган кўринишга эга бўлиши керак.

Иерархиянинг ихтиёрий сатҳида келтирилган ахборот маълумоти бир функция ёки муаммодан ташкил топган бўлиб, шу сатхга мос бўлиши керак.

Дастурний маҳсулотнинг иерархик декомпозицияси қўйидаги йўналишларда олиб борилади.


Дастурний маҳсулотни юқоридан пастга қараб лойихалаш.

“Дастурний маҳсулот лойихалаш уни ташкил қилишда асосий босқичларидан бири хисобланади. Яхши лойихаланган дастурни ёмон ёзиш мумкин. Аммо ёмон лойихаланган дастурни яхши ёзиш мумкин эмас”. Ван Тассил.

Дастлабки мақсадлар – аниқлашдаги хатоликлар кейинчалик фақат дастурний таъминотни эмас, балки, уни хам катта ўзгартиришни тақозо этади.

Шунга кўра дастурний лойихалар Зта гурухга бўлиш мумкин.

Дастурлаш структурасини лойихалаштиришнинг асосий принциплари қўйидаги схемада акс эттирилган



Назорат саволлари:

1. Дастандай махсулотга тегишли асосий хужжатлар хақида кўрсатинг
2. “Масала қўйилиши” хужжатлари нима?
3. Мақсадларни аниқлашни кўрсатинг.

Калит сўзлар:

Мақсадлар, лойиха, самарадорлик, иерархик декомпозиция.

Адабиётлар рўйхати:

1. Г. Майерс. Надежность программного обеспечения. - М.: Мир, 1980.
- Э. Дейкстра. Заметки по структурному программированию// У. Дал, Э. Дейкстра, К. Хоор. Структурное программирование. - М.: Мир, 1975.

4-Маъруза

ДАСТУРЛАШ ТАЪМИНОТИНИ ЛОЙИХАЛАШ. ЛОЙИХАЛАШ УСУЛЛАРИ. ДАСТУРИЙ ВОСИТАНИНГ ЛОЙИХАЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ УСЛУБИЙ, ТЕХНОЛОГИК ТАШКИЛИЙ ВА ИНСТРУМЕНТАЛ ТАЪМИНОТИ. МОДУЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ.

Режа:

- 1. Дастьурлаш таъминотини лойихалаш**
- 2. Лойихалаш усуллари**
- 3. Модуллар ва уларнинг хоссалари**

Ташқи лойихалаш деганда, фойдаланувчи ёки кузатувчи нуқтаи назаридан ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг харакати тушунилади. Бу жараённинг мақсади сифатида хосил қилинаётган махсулотнинг қисми орасидаги ўзаро боғлиқлик ташқи муаммолар амалга оширилишини келтириш мумкин. Улар ташқи спецификация кўринишда расмийлаштирилиб бу спецификациялар фойдаланувчиларга ва кенга оммага қаратилган бўлиши керак. Ташқи лойихалашнинг махсус усуллари ва кўринишлари бўлмаслигидан қатъий назар махсулотни ташкил қилувчи ташқи функциялар консиптуал бирлигига эга бўлишлари лозим.

Консептуал бирлик эса фойдаланувчи билан мулоқотни мезони бўлиб хисобланади.

Ташқи лойихалашнинг махсус усуллари ва кўринишлари бўлмаслигидан қатъий назар махсулотни ташкил қилувчи ташқи функциялар консиптуал бирлигига эга бўлишлари лозим. Консептуал бирлик эса фойдаланувчи билан мулоқотни мезони бўлиб хисобланади.

Консептуал бирликка эга бўлмаган махсулотларда фойдаланувчи билан мулоқот камига қийинчилик билан амалга оширилади.

“Ташқи лойихалаш дастьурлаш билан умуман боғлиқ эмас. Бунда кўпроқ атроф-муҳитни кўзда тутиши, инсон психологиясини, фойдаланувчи муаммоларини эътиборга олиш керак.

Ташқи лойихаларни хосил қилишда ишлаб чиқарувчиларнинг дастьурий махсулот ишончлилигини оширувчи уч факторни кўзда тутиш лозим”.

1. Фойдаланувчи хатоларини минимумга келтириш.
2. Хатоликлар мавжуд бўлса, уларни аниқлаш.
3. Дастьурлаш воситаси мураккаблигини камайтириш.

Ташқи лойиха мураккаблигига қараб ва унинг дастьурий махсулотда тутган ўрнига кўра қўйидаги стандарт бўйича тасдиқланган қоидаларни хисобга олиш шарт.

1. Фойдаланувчи билан бўлган мулоқотда унинг тайёргарлиги билан фойдаланувчи ишляпган мухитдаги чекланишлар хисобга олинади.

2. Натижавий қийматлар талаб қилинаётган кўринишга эга бўлиб, имконият борича изохланмоғи лозим.

3. Фойдаланувчи иложи борича клавиатурадан камроқ ахборот киритсин.

4. Киритилаётган ва чиқарилаётган қийматлар учун концептуал бирлик таъминланмоғи лозим.

5. Даствур ёрдам кўринишидаги воситаларига эга бўлиши мумкин.

6. Экрандан унумли фойдаланиш.

7. Тизим (даствур) шу кўринишда лойихалаштирилган бўлиши лозимки, фойдаланувчи хоҳлаган вақтида ишини тамомлаш ёки даствлабки холатга қайтиши мумкин бўлсин.

8.Фойдаланувчини хар бир харакати тизим томонидан текширилсин.

Юқоридан пастга ва пастдан юқорига қараб лойихалаш. Бу йўналишлар иерархик структурага асосланиб шунда даствурий махсулотларнинг нархи хам пастроқ бўлади. Кўп сатхни иерархик тузилишда даствурий махсулотни юқоридан пастга қараб лойихалаштириш берилган масала ечимлардан энг оптимальни танлаш имкониятини яратади.

Одатда юқоридан пастга қараб лойихалаштириш асосий йўналиш хисобланади. Аммо биз кўп холларда бу йўналиш олиб борилади. Бундай ишлаб чиқариш эса пастдаги сатхларда жойлашган модулларга ўтказилади. Бунинг қулайлиги шундаки, юқорироқ сатхдаги модулларнинг лойихасини яратишида бу модуллардан қўйида жойлашган модулларни тайёр деб хисоблаб кўшиш мумкин бўлади.

Даствурий махсулотни лойихалаш жараёнидаги услугбий, технологик ва инструментал таъминотлари.

Модул – бу камида битта оператордан иборат, тугалланган даствур.

Кант қонунлари:

1) Айрим модулларни айрим функциялардан ташкил топган кўринишда расмийлаштириш модуллар мустахкамлигини таъминлайди;

2) Модуллараро багликлекни расмий механизмга кўра алмашишини хисобга олиб камайтириш -бу модуллараро багликлекни кучсизлантиради.

3) Багликлекни амалга оширишида стандарт коидалардан фойдаланиш лозим. Бунда бошкариш ва ахборот алмашиш оркали багликлек кўзда тутилади.

4) Даствурлаш комплекси унчалик катта хажмга эга бўлмаган модуллардан ташкил топган бўлиб, багликлекни иерархик тузилишда акслантирмоги лозим. Бу тузилиш оркали хар бир даствурчи хар бир модул ва даствурни иш хакидаги маълумотга эга бўлиши лозим

5) Коидага кўра хар бир модул 10тадан 100тагача ташкил топган бўлиши керак.

6) Модул мустахкамлик хусусиятига эга бўлиши лозим. Модулнинг мустахкамлиги унинг ички алокалари оркали белгиланади.


7) Модулнинг ишини олдиндан кўра билиш лозим яъни модул кўриниши мустакил бўлиши лозимки у ўзининг дастлабки ишлатишларига боклик бўлмасин.

8) Ечимларни кабул килиш структураси аникланган бўлиши лозим, бу талабларга кўра кабул килинаётган ечимлар таъсир килаётган модуллар чикариладиган модуллар сифатида расмийлаштирилиши лозим.


Маълумотларга мурожат килиниш минимумга келтирилсин яъни хар бир модул талаб килаётган маълумотлар хажми иложи борича кичикрок бўлиши лозим.

Г.Иванова бўйича модуллар боғлиқлигини қўйидаги кўринишлари мавжуд:


1. Функционал боғлиқлик – модулнинг ҳамма объектлари бир хил функцияни бажариши учун мўлжалланган




2. Кетма-кет боғлиқлик – бунда биринчи модулнинг чиқиши маълумотлар, иккинчи модулга кириши маълумотлари бўлади.




3. Ахборот бўйича боғлиқлик – бунда икки модул ҳам бир хил ахборотни ишлатади.




4. Процедура бўйича боғланган модуллар – иккита модул ҳам битта процедурага тегишли.



5. Вақт бўйича боғланган модуллар – бу модуллар параллел бажарилади.



6. Мантиқий боғлиқлик – бу модулларнинг мақсадлари ўхшаш ва улар битта мантиқий гурухга тўпланган.



Дастур модулларини бошқариш бўйича боғланиш қонуниятлари.

1. Чақирилаётган модулга бошқаришни узатиш хамма вақт унинг орқали амалга оширилиши лозим, модулнинг биринчи операторига узатиш керак.

2. Чақирилаётган модулдан чиқиши унинг табиий охири орқали амалга оширилади.

3. Чақирилаётган модул ишини тугаллангандан сўнг бошқариш бу модулни чақирган оператордан кейинги операторга узатилади.

4. Модуллар ўзидан юқорида турган модуллар томонидан чақирилиши мумкин. Бир хил сафда жойлашган модуллар ўзаро бир-бирига узатиш искоṇиятига эга.

Агар дастурда модулни бошидан эмас, балки бошқа бир бошланиш нуқтасидан чақириш мумкин бўлса, бу модулга мурожаат стандарт равишда олиб борилади.

5. Дастурий махсулотда барча модуллар ишлатилиши лозим бўлган ахборот гдобал ўзгарувчиларда тўпланган. Шунга кўра, глобал ўзгарувчиларни шундай танлаш лозимки, у бутун дастур ишлаш жараёнида мавжуд бўлмаслиги, балки бу ўзгарувчилар тўплами маълумот бир гурӯх модулларга тегишли.

Назорат саволлари:

1. Дастурий махсулотга тегишли асосий хужжатларини кўрсатинг.
2. “Масала қўйилиши” хужжатларини кўрсатинг.
3. Мақсадларни аниқлаш.

Калит сўзлар:

Лойихалаш, Модулни лойихалаш, Модулни компиляциялаш, Модуль хоссалари

Адабиётлар рўйхати:

1. Э. Дейкстра. Заметки по структурному программированию// У. Дал, Э. Дейкстра, К. Хоор. Структурное программирование. - М.: Мир, 1975.

5-Маъруза

ОБЪЕКТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. ТИЗИМНИНГ ОБЪЕКТЛИ МОДЕЛИ.

Режа:

- 1. Техник топшириқ хужжати**
- 2. Объектга йўналтирилган лойихалаш технологиялари**
- 3. Тизимнинг объектли модели**

Техник топшириқ хужжати

Техник топшириқ дастурий махсулотни асосий хужжати хисобланади. Техник топшириқ хужжатини ёзишдан олдин дастурий махсулотга қуидаги эксплуатацион талаблар рўйхатини тузиш зарур.

1. Дастурий чекланишлар – бунда дастур ишлаши лозим бўлган операцион тизим ва ишлаш жараёнида зарур бўлган дастурлаш воситалари келтирилади.

2. Эргономик характеристикалар – сифатида фойдалагувчилар ва операторлар томонидан ишлаб чиқариш қувватини оширувчи хусусиятлар кўрилади.

“Эргономика” грекча “мехнат ва қоида” маъносида ишлатилиб меҳнат учун энг яхши шароит яратиш деганидир.

3. Ишончлилик – дастурий махсулотнинг ишончлилиги деганда маълум бир дастурий ёки қурилмалардаги узилишлар мавжудлигидан дастурий махсулотнинг ишини қайта тиклаш имкониятига айтилади.

4. Мослашувчанлик – дастурий махсулотни хар хил ЭҲМлар билан биргаликда ишлаш имконияти.

5. Текширувчанлик – яъни натижаларни текшириш имкониятлари.

6. Универсаллик – хар хил турдаги маълумотлар киритилганда дастур тўғри ишлаш эҳтимоллиги.

7. Эффективлик – техника воситалари ресурсидан минимал сонидан фойдаланиш. Масалан: оператив хотирани минимал ҳажмини ишлатиш.

8. Адаптация – тез-тез ўзгартириш имкониятлари.

9. Дастурий махсулотнинг таннархи.

Гост. 19.201-78 “Техническое задание. Требование к содержанию и оформлению”.

Бу стандарт бўйича техник топшириқ қуидаги бўлимлардан иборат:

1. Кириш қисми – бунда дастурий махсулотнинг номи кераклиги, актуваллиги, шунга ўхшаш дастурлар билан солишириш натижаси ва агар яратилган дастур бошқа махсулотнинг қисми сифатида ишлаб чиқарилган бўлса, унинг фақат янги хусусиятлари келтирилади.

2. Ишлаб чиқаришга асос – бунда дастурий махсулот қайси хужжат асосида ишлаб чиқиласпти, буйруқ ёки шартнома номерлари.

3. Йўлланма – бунда дастурий махсулотнинг асосий мақсади ёзилади.

Қуидаги дастурга техник топшириқ ёзиш.

Мактаб ўқитувчилари учун мұлжалланган бир аргументлик функция $y=f(x)$ дан график тузинг.

Ушбу дастур хисоблаш жадвалини құрсатиш ва берилған интервалда берилған формула бүйіча аргумент қадамини үзгартыши керак.

Техник топшириқ.

1.Кириш. ушбу техник топшириқ битта аргументли функция қийматларини ва графигини чизадиган дастурға тегишли. Ушбу дастур үқори синфдаги мактаб ўқувчилари учун мұлжалланган.

Мактабнинг элементар алгебра курсида графикларни тахлил қилиш ва хисоблаш масаласи мухим масала хисобланади.

Бу масалани математик усулда ечиш жараёнида ўқувчилар бир үзгарувили функция графигини чизиб, қийматтар жадвалини тузиб, берилған интервалда, берилған қадам билан функцияning қийматини топиши керак.

Бу жараёнда мактаб ўқувчилари функцияning ташқи нұқталарини, нұқталар характеристикалари, илдизларини, биринчи ва иккінчи узилиш нұқталари таърифини ва формулаларини ишлатиши керак.

Дастурий махсуслотта талаблар.

1. Функционал характеристикалар.

Дастур қуидаги функцияларни бажара олиши керак:

а) бир үзгарувили функцияning аналитик қўринишини киритиш ва узоқ вақт давомида уни тизимда сақлаб туриш;

б) функцияning аниқлаш интервалини киритиш ва үзгартыра олиш;

в) аргумент қадамини киритиш ва үзгартыши.

Кўрсатилган оралиқда функция узилиш нұқталарига эга эмас шартига асосан шу интервалда функция қийматтар жадвалини хисоблаш ва графигини тузиш.

2. Бошланғич маълумотлар:

а) функцияning аналитик қийматлари;

б) функцияning аниқлаш интервали;

с) берилған интервалда аргумент қадамини үзгартырадиган холда нұқталар сонини аниқлаш.

3. Ишончлилик:

а) киритилаётган маълумотларни текшириш имконияти;

б) дастур билан ишлаётган вақтда фойдаланувчи нотұғри характеристлардан химоялаш.

4. Техник параметрларга талаблар:

а) тизим шахсий компьютерлар тизимида ишлаши керак;

б) минимал конфигурация: процессор тури – Pentium ва ундан үкори. Оператив хотиранинг хажми – 32Мг ва ундан үкори

Дастурий махсуслотнинг характеристикалари – функционал характеристика: - кириш ва чиқиши маълумотларининг қўриниши ва

тартиби; эффективлик коефициенти; оператив хотиранинг максимал ҳажми.

5. Техник топшириққа тегишли хужжат – системали дастурчига кўрсатма.

Техник топшириққа тегишли хужжатлар:

- а) ишлаб чиқарилган дастур листинглари шартли равища изохларни ўз ичига олиши керак;
- б) ишлаб чиқарилаётган дастур асосий математик терминлар ва маълумотлар учун ахборотни ўз ичига олиши керак;
- с) 25-30 варақдан иборат тушунтириш хати;
- д) системали дастурчига кўрсатма.

Назорат саволлари:

1. Техник топшириқ хужжатини кўрсатинг.
2. Объектга йўналтирилган лойихалаш технологиялари нима?
3. Тизимнинг объектли модели нима?

Калит сўзлар:

Объект, Объектли модуль, Объектли ёндашиш, Матн шакли.

Адабиётлар рўйхати:

1. Э. Дейкстра. Заметки по структурному программированию// У. Дал, Э. Дейкстра, К. Хоор. Структурное программирование. - М.: Мир, 1975.
2. Е.А. Жоголев. Технологические основы модульного программирования. //Программирование, 1980,
3. Г. Майерс. Надежность программного обеспечения. - М.: Мир, 1980.

6-Маъруза

**ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАШҚИ ЛОЙИХАЛАШ.
АЛГОРИТМНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ. ТАШҚИ ЛОЙИХАЛАШ. ДТ
АРХИТЕКТУРАСИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ. “ТАШҚИ
СПЕЦИФИКАЦИЯ” ХУЖЖАТИ. ФОЙДАЛАНУВЧИ БИЛАН
МУЛОҚАТ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**

Режа:

- 1. Даствурий таъминотни ташқи лойихалаш**
- 2. Алгоритмни ишлаб чиқиш**
- 3. Ташқи лойихалаш**
- 4. “Ташқи спецификация” хужжати**
- 5. Фойдаланувчи билан мулоқат ташкил қилиш**

1. Алгоритм бу – бирор масалани ечиш учун бажарилиши зарур бўлган буйруқларини кетма-кетлиги.

2. Алгоритмга қўйилган қўшимча талаблар алгоритмнинг хоссалари дейилади.

Алгоритм хоссалари:

- Узлуксизлик – бу хоссага кўра алгоритм аниқ ва тугалланган қадамлардан ташкил топган бўлиши керак.
- Аниқлик – алгоритм шундай тузилган бўлиши керакки, бир буйруқ бажарилгандан кейин навбатдаги аниқ кўрсатилган бўлиши керак.
- Тушунарлилик – алгоритм шундай тузилган бўлиши керакки, хар бир харакати аниқ ифодаланган бўлиб, икки хил маънони кўрсатмаслиги лозим.
- Натижавийлик – дастурчи алгоритмни чекли сондаги буйруқларни бажаргандан сўнг аниқ натижага келиши керак.
- Оммавийлик – бу хоссага кўра масалага тегишли алгоритм фақат шу масалага эмас, балки шу турдаги барча масалаларга мос келиши керак.

Алгоритмни тасвирлаш усуллари


“Компьютер учун тузилган дастурни хам бир маънода алгоритм деб аташ мумкин”.

Алгоритм тузилишида асосан масаланинг умумий хажмини ва мураккаблигини эътиборга олсақ, натижани тез ва аниқ олишимиз мумкин.

Бунинг учун қуидагиларга эътибор қилиш хар бир дастурчидан талаб этилади.

1. Берилган масалани тўғри тушуниб олиш;
2. Қийинчиликларни аниқлаш.
3. Масалага тегишли усулларни тўғри жойлаб олиш.
4. Масалага тегишли назарияни мустақил ўрганиш;
5. Масалани ўзаро боғлиқ бўлмаган қисмларга ажратиш.


Алгоритм тузилиш шакллари:
1.Матн кўриниши
2.Блок схема ва қўшимча усуллар




- бошлиш ва тамомлаш




- маълумотларни киритиш



- хисоблаш жараёнлари



- шарт текшириш



- алоҳида модулларга мурожжат қилиш



- изоҳлаш блоки

Дастур кўриниши

Алгоритмнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. Чизиқмли алгоритм – бунда алгоритмни хар бир буйруғи кетма-кет бир марта бажарилади.

2. Тармоқланувчи алгоритм – бунда хам алгоритм буйруқлари бир мартадан бажарилади, лекин берилган шартга қараб навбатдаги буйруқ бажарилиш тартиби аниқланади.

3. Циклик алгоритм – бунда буйруқ параметрлариниқабул қилиш қийматига қараб кетма-кет бир неча марта такрорланиб бажарилади.

4. Ёрдамчи алгоритм – бу масаланинг алгоритмини тузишда стандарт алгоритмдан фойдаланиш.

Ташқи спецификация хужжати.

Хужжатларда агар бирор-бир сатхларини аниқловчи мақсадлар келтирилган бўлса, улар спецификация деб аталади.

“Спецификация” ўзига хосликдир. Спецификациялар енгил ўқилувчан, қисқа, аник, аммо тугал ахборот берувчи хужжатdir.

Лойихалаштириш жараёнида модулларни аниқлаш, режаларни ажратиш, уларнинг тузилишини аниқлаш, талабларни аниқлаб уларга мослашиб ички ва ташқи спецификацияларни белгилаш жараёнларидан бошланиб кузатиб бориш бўлимини ишлаб чиқариш билан тугалланиши лозим.

Дастурий махсулотнинг ташқи спецификациясида бу махсулотни ташқи ишини тавсифловчи хужжатлар келтирилади. Бу хужжатлар дастурнинг ички тузилишига тегишли эмас.

Ташқи спецификация хужжатини ёзишда қуйидагиларни эъиборга олиш лозим.

1. Чақирилаётган модул хисоблашдаги ахборот шу модулни ўзига қарашли бўлган ташқи спецификацияга тегишли бўлиши лозим.

2. Ташқи спецификация хужжати фойдаланувчи ва дастурчи учун яқин бўлган тилда ёзилади.

3. Модуллар шу кўринишда ёзилган бўлиши лозимки, улар бирор-бир ўзгартириш киритилганда бу ўзгартиришлар модулларга тегишли бўлмаган бошқа модулларга таъсир кўрсатмасин.

4. Ташқи спецификацияни баҳоловчи шахс фақат шу спецификацияда аниқланган хусусиятларни эътиборга олиши лозим.
Масалан: агар ташқи спецификацияда қўшимча тушунтиришларсиз қуйидаги тушунча келтирилган бўлсин:

а) ўзгарувчи параметрлари 1дан 10гача бўлган қийматларни ўзлаштириши мумкин.

Шу тушунча келтирилган баҳоловчи а параметрнинг қиймати сифатида хар қандай хақиқий сонни хам назарда тутиши мумкин. Шу билан биргаликда а параметрнинг қиймати сифатида 1 ва 10 қийматлар кўринмаслиги мумкин.

5. Чекланишлар тугал ва аниқ кўринишга эга бўлиб, уларнинг келиб чиқиши сабабларини кўрсатиш шарт эмас, одатда бу сабаблар дастурчиларга мазкур модулларни кенгайтириш ва ўзгартириш учун зарур бўлса, ички спецификацияларда келтирилади.

6. Ташқи спецификацияларнинг тугаллиги ва аниқлиги текшириш дастурлаш жараёнидан олдин бажарилиши тавсия қилинади. Шунга кўра дастурлаш жараёнида аввал бу хужжат фойдаланувчи томонидан текширилиши лозим.

Ташқи спецификация хужжати Техник топшириқ хужжатининг давоми сифатида расмийлаштирилган бўлиб, уни одатда техник лойиха деб аталади.

Бу хужжатда дастур модулининг ташқи хусусиятлари тавсифланмоғи лозим.

Ташқи спецификация хужжати қуйидагилардан иборат:

1. Дастур номи ва тавсифи.
2. Фойдаланувчи билан мулоқотни амалга ошириш.
3. Меню ва функционал клавишларни ишини тавсифлаш.
4. Барча экран (монитор) кўринишларини тавсифлаш.
5. Дастур модули ишлаш жараёнида бериладиган саволлар ва уларга жавоб бериш йўллари.
6. Хатоликлар хақида маълумот.

7. Маълумотлар базасини ташкил қилиш.
8. Ташқи кўринишларни тавсифлаш.

Назорат саволлари:

1. Дастурий таъминотни ташқи лойихалаш нима?
2. Алгоритмни ишлаб чиқиш нима?
3. Ташқи лойихалаш нима?
4. “Ташқи спецификация” хужжатини кўрсатинг
5. Фойдаланувчи билан мулоқат ташкил қилиш.

Калит Сўзлар

Ташқи спецификация, Ташқи лойиха, Парнас қоидалари, Махсулот ишончлилиги

Адабиётлар рўйхати:

1. Д. А. Чернев. Технология разработки программного обеспечения.// Издательство “Мехнат”, 2004
2. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2002

7-Маъруза

ДАСТУРЛАШ. АЛГОРИТМ.

**ДАСТУРЛАШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ. КАДАММА - КАДАМ
ДЕТАЛЛАШТИРИШ УСУЛИ. ДАСТУР МУРАККАБЛИГИ.**

Режа:

- 1. Структураланган дастурлашнинг асосий усули**
- 2. Кадамма - кадам деталлаштириш усули**
- 3. Мисол**

Структураланган дастурлашнинг асосий усули бу - қадамма-қадам деталлаштириш усули. Бунда мураккаб дастурйи махсулот бир неча модулларга бўлинади. Хар бир модул бажарилиши лозим бўлган харакатлар дастлаб маълум бир кўринишга эга бўлган шартли тилда келтирилиб, сўнгра бу харакатлар қадамма-қадам деталлаштириш жараёнида структураланган дастурлаш услублардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Масала: Ички ўлчовли массив берилган. Хар бир устунда 1-0 элементгача берилган қийматлардан [c, d] оралиққа киравчилари орасидан максимум ва минимум қийматлар хамда уларнинг тартиб номери аниqlансин. Агар устунда 0 га teng элемент мавжуд бўлмаса бутун устун кўздан кечирилсин.


Бу масаланинг ечилиши жараёнида биринчи навбатда ечилиш режасини ёзиб оламиз:

- 1-қадам: Киритиш ва чиқариш.**
- 2-қадам: Асосий цикл (устунлар бўйича).**
- 3-қадам: Устун элементларига ишлов бериш (ички цикл)**
- 4-қадам: Матрица элементларига ишлов бериш.**
- 5-қадам: Максимум ва минимумларни текшириш.**
- 6-қадам: Циклнинг дастлабки ва охирги операторларига ишлов бериш.**

7-қадам: Дастрни оптималлаштириш.

Қадамма-қадам деталлаштириш шу режа асосида олиб борилади.

Биринчи қадам: Кириш-чиқиши ўзгарувчилари A(10,10) берилган матрица, [c, d] интервал чегаралари. Берилган матрица хар бир устундаги максимум ва минимум қийматларини тартиб номерлардан ташкил топган массив.




Program

```

Var A:array[1..10] of real;
C,d:real;
I,j:integer;
Max, min,:array[1..10] of real;
Imax, imin:array[1..10] of integer;
Boshqa o'zgaruvchilar
Begin
Writeln('matrisa elementlarini kirit');
For i:=1 to do
Begin for j:1 to 10 do writeln; end;
Write('oraliqni kirit'); read(c,d);
Asosiy algoritm
For i:=1 to 10 do
Writeln ('min=; min[i] uni nomeri; imin[i]; max=; max[i]; uni nomeri; imax[i];');
End.
  
```


Иккинчи қадам: бу қадам хар бир устун элементлари учун бир хил бажариласы.




Учинчи қадам: бунда устун 1-0 элементтегіча бўлганларга ишлов бериласы.



Тўртинчи қадам: Бу қадамда A матрицанинг элементлари берилган интервалга тегишли ёки эмаслигини текширамиз.



Бешинчи қадам: бу қадамда 4та янги ўзгарувчи киритилди. Бу ўзгарувчиларни биринчи қадамга мос равища real ва integer тавфисилотлари ёрдамида тавсифлаш керак



6-қадам: бунда энг охирги қадамдан юқорига қараб ҳаракатда циклар учун нималар кераклиги аниқланади. Бу ҳаракат алгоритмни ўртасидан ташқарига қараб бажарилади. Максимум ва минимум қийматлари сифатида эса чегаравий қийматларни танлаб олишимиз мумкин. Бу циклнинг натижавий қийматларини натижавий массивнинг j элементи сифатида жўнатишимиз мумкин бўлсин, яъни энг ички циклда қўйидаги ҳаракатларни бажарамиз.

$\text{maxt}=c$

$\text{mint}=d$

$i \text{ maxt}=0$

$i \text{ mint}=0$

охирги операторлар: $\text{max } [j]=\text{maxt}$

$i \text{ max } [j]=i \text{ maxt}$

$\text{min } [j]=\text{mint}$

$i \text{ min } [j]=i \text{ mint}$

Назорат саволлари:

- Структураланган дастурлашнинг асосий усули хақида кўрсатинг
- Кадамма - қадам деталлаштириш усули нима?

Калит сўзлар:

Модулларни компиляциялаш, Дастур мураккаблиги, Псевдокод, Қадамма-қадам деталлаштириш усули

Адабиётлар рўйхати:

- Е.А. Жоголев. Технологические основы модульного программирования. //Программирование, 1980,
- Г. Майерс. Надежность программного обеспечения. - М.: Мир, 1980.

8-Маъруза

ДАСТУРЛАШ СТИЛИ. СТРУКТУРАЛАНГАН ДАСТУРЛАШ. КИЧИК ДАСТУРЛАР СТАНДАРТЛАРИ. ИЧКИ СПЕЦИФИКАЦИЯ ХУЖЖАТИ

Режа:

- 1. Дастурлаш стили**
- 2. Структураланган дастурлаш**
- 3. Кичик дастурлар стандартлари**
- 4. Ички спецификация хужжати**

Структураланган дастурлаш.

Хисоблаш жараёнинг уч хил кўриниши мавжуд:

1. Тўғри чизиқли – бунда натижасини хисоблаш учун бир нечта амални аник тартибда бажариш шарт.

2. Тармоқланувчи структура - амаллар тартиби ўзгарувчининг миқдорига боғлиқ.

3. Циклик структура - натижани хисобалаш учун бир гурух амалларни бир неча марта бажариш керак.

Дастурлашнинг асосий теоремаси:

Г.Иванова китобидан

Хоҳлаган мураккаб алгоритмни З та асосий (баъзали) конструкция орқали кўрсатиш мумкин:



1. Кетма кетлиқ
2. Тармоқланувчи
3. Цикл “токи”
4. Танлаш
5. Цикл “гача”
6. Хисоблаш цикли

Агарда дастурлашда юқорида күрсатилған бұтақтардан фойдаланылса, ушбу жараён структураланған дастурлаш дейилади.


“Структураланған дастурлаш”да иложи борича go to ва label операторлардан фойдаланиш тавсия этилмайды:

1. Кетма-кетлик.


2. Тармоқланувчи.




3. Циклик “тоқи”.




4. Танлаш.



5. Цикл “гача”.




6. Хисоблаш цикли.




Қидирув циклининг структураланган ва структураланмаган кўринишлари:

a) структураланмаган



в) структураланган



Алгоритмларни кўрсатиш учун блок-схемалардан ташкари псевдокодлар Flow формалар ва Насси Шнейдерман диаграммалар ишлатилиади.

Псевдокодлар – бу алгоритмнинг матнли кўриниши

Структура	Псевдокод
1. Кетма - кет	<1-харакат> <2-харакат> ... <n харакат>
2. Тармоқланувчи	агар <шарт> унда <харакат> ёки <2-харакат>
3. Цикл “токи”	цикл <токи> <шарт> <харакат>
4. Танлаш	Танлаш <код> <1-код> ... <1-харакат> <2-код> ... <2-харакат>
5. Цикл “гача”	<харакат> цикл <гача> <шарт>
6. Хисоблаш цикли	<индекс> учун <n>, <k> <харакат>

Кидирув цикли псевдокод куринишида:

$i := 1$



Цикл “токи” $i \leq n$ ва $A[i] \neq y$

$i := i + 1$ агар $i \leq n$ учун “елемент топилди” ёки “елемент топилмади”

Flow формалар – бошқарув (алгоритм) конструкцияларнинг график кўриниши. Бу формани хар бир символи бошқариш конструкцияга мос тушиб тўртбурчак ичига ёзилади.



1. Кетма-кет:

2. Тармоқланувчи



3. Цикл “токи”

4. Танлаш




5. Цикл “гача”

6. Хисоблаш цикли.



гача <шарт>



Қиди्रув алгоритмини Flow форма ёрдамида күрсатиш

i=1
"Токи" i≤n ва
A [i]≠y
i := i+1
агар i≤n
унда
ёки
Элемент топилди
Элемент топилмади

Ички спецификация хужжати.

Техник топширик ва ташки спецификация хужжатлари мавжуд бўлишини такозо килади. Чунки техник топширик ва ташки спецификацияларда яратилган дастурий махсулотлар хакида тулик ахборот келтирилади. Юкоридагилардан фаркли уларок ички спецификация хужжати махсулотни кай даражада тузилганлигиюнга куйилган талаб ва максадларни акслантиради. Бу хужжатда фойдалангандага дастурнинг у томонидан тулик кабул килиши шарт эмас яъни бу хужжат дастурчи учун.

И. С хужжати дастур махсулоти яратиш жараёнини акслантириб хар бир боскич иши тугаллангандан сунг ёзилади.

Жуда куп холларда бу хужжат ички лойиха номига хам эга. Бу хужжатни дастурлаш боскичи бошланишдан аввал расмийлаштириш тавсия килинади.

Шунга кура бу хужжатда дастур махсулотини яратиш учун лозим бўлган барча алгоритмларнинг тавсифи кенгайтирилади. Бу вактга келиб барча алгоритм катталикларнинг тулик тавсифи мавжуд булади. Блок системалар эса шу даражада мукаммлал равишда яратилган буладики улар асосида ёзилган дастур хатоликкага эга буламайди. И.С Хужжатнинг асосий вазифаси дастурий махсулоти хакидаги барча маълумотларни беришдан ташкил топган булиб унда лойихани ички мазмуни алгоритмлари ва келгусида ишлатишга фойдали булган модуллар хакидаги тушунча келтирилади.

И.С хужжатининг стандарт куриниши:

1. Дастур махсулотнинг тавсифи
2. Максадлар
3. Тактика

Бу булимда хам юкоридаги хужжатларда келтирилган ахборот биргаликда янги терминлар ва синтаксик коидалар хакида тушунча келтирилади.

Калит сўзлар:

Структураланган дастурлаш, Дастурлашнинг асосий теоремаси, Структураланган алгоритм, Бошқариш конструкцияси

Адабиётлар рўйхати:

1. Д. А. Чернев. Технология разработки программного обеспечения.// Издательство “Мехнат”, 2004
2. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2002
3. Э. Дейкстра. Заметки по структурному программированию// У. Дал, Э. Дейкстра, К. Хоор. Структурное программирование. - М.: Мир, 1975.

9-Маъруза

**ДАСТУР ЭФФЕКТИВЛИГИ (САМАРАДОРЛИГИ).
ЭФФЕКТИВЛИК ЁКИ ОСОН ЎҚИЛИШИ? ДАСТУРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ. ДАСТУР МОДИФИКАЦИЯСИ.
ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ИШОНЧЛИЛИГИ.**

Режа:

- 1. Дастьур эфективлиги**
- 2. Дастьурни оптималлаштириш**
- 3. Дастьур модификацияси**
- 4. Дастьурий таъминот ишончлилиги**

Дастьурнинг эфективлиги (самарадорлиги)

Дастьурчининг асосий мақсади тўғри, хатосиз дастьур ёзиш. Бунда дастьури эфектив бўлиши шарт эмас.

Эфективлик, дастьурни қўшимча хоссаси хисобланади. Тўғри ёзилган, лекин эфектив бўлмаган дастьурни оптималлаштириш натижасида эфективлигини ошириш мумкин. Шунинг учун агар дастьурчининг 1-мақсади тўғри ишлаётган дастьурни ёзиш бўлса, 2-мақсади у дастьурни оптималлаштириш. “Компьютерный мир” журналида қўйидаги мисол келтирилган.

Дастьурлаш учун бир хил масалани 2та дастьурчига берилди. 1-дастьурчи максимал эфектив дастьур ёзишга харакат қилди. 2 си эса енгил ўқилувчан дастьур ёзди. 1000 тест ўтказилгандан сўнг қўйидагилар аниқ бўлди:

“Эфектив” дастьурда 10 марта ортиқ хато мавжуд экан, шунинг учун дастьур ўқилувчанлиги, эфективлигига нисбатан муҳимроқ экан.

Дастьурни оптимизациялаш деб – шундай ўзгаришларга айтиладики, улар дастьурни янада самарадорлигини (яъни хотиранинг минимал хажмини эгаллайдиган ва тез бажариладиган) оширади.

Дастьурни оптимизациялашнинг иккита усули мавжуд:

1. Дастьурни “тозалаш” – кўринадиган хатоларни тузатиш, бунга камроқ вақт талаб этилади.
2. “Бошқатдан дастьурлаш” – дастьурни бошқатдан ёзиш, бунга кўпроқ вақт талаб этилади.

Дастьур оптимизациялашни компьютерга боғлиқ бўлмаган услублар:

1. Ўзгарувчиларни номлаш. (Константа ва ўзгарувчиларга бошланғич қийматлар ўзгарувчиларни эълон қилиш қисмида берилса хотира хажми тежалади.)
2. Ўзгарувчилар сонини камайтириш.
3. Маълумотлар турини танлаб аниқ кўрсатиш.
4. Ортиқча “=” операторини йўқотиш.
5. Киритиш-чиқариш: агар ўзгарувчи қиймати дастьур ичида хисоблаш мумкин бўлса уни киритиш керак эмас.

6. Процедураларни ажратиш: агар дастурда бир хил операторлар кетма-кетлиги мавжудбўлса уларни битта алоҳида процедурага ажратиш зарур.

7. Арифметик операциялар ёзилганлигига қараб хар хил тезлик билан бажарилади.

8. Ортиқча қовусларни йўқотиш.

9. Ортиқча изохларни йўқотиш.

10. Go to операторини камроқ ишлатиш.

11. Циклларни тозалаш.

12. Циклларни бирлаштириш.

13. Бўш циклларни йўқотиш.

Эффектив дастур модулининг тузилиши

Эффектив дастур модулининг тузилиши структурали программалашга асосланган.

Модул сарлавхаси	Модул номи
	Изохлар
Ўзгарувчиларни тавсифлаш	Глобал ўзгарувчиларни тавсифлаш
	Локал ўзгарувчиларни тавсифлаш
	Модулнинг дастлабки кириш оператори
Модул танаси	Регистрларни сақлаш (ассемблер тили учун)
	Параметрлар бўйича ўзгариш
	Модулнинг айирбошлаш қисмига ўзгартириш ёзиш
	Навбатдаги программа модулинин чиқариш
	Чиқарилган модулдан мазкур модулга қайтиш
	Айирбошлаш зонасидаги қаторларни қайта ёзиш (ассемблер тили учун)
	Параметрлар бўйича ўзгариши
	Модулнинг функционал қисми
	Регистрлар қийматини тиклаш (ассемблер тили учун)
	Чиқарилган модулга қайтиш

Дастурий таъминотнинг ишончлилиги

Дастурий таъминот фойдаланувчи учун зарур бўлган барча ахборотни бера олмас экан. Бу таъминотни ишончли деб бўлмайди. Ёки бу холда дастурий таъминотда хатолик мавжуд дейилади.

Дастурий таъминотнинг ишончлилиги сифатида маълум бир вақт жараёнида дастурий таъминотнинг тўғри ишлаш эҳтимоллигига айтилади. Дастурнинг ишончлилиги унинг ички хусусияти ҳисобланади. Бу дастурнинг қай даражада ишлатилишига тегишли. Дастурий таъминотда маҳсулотни қанча кўп созланса, ёки тестланса, у шунча яхшироқ ишлайди деган тушунчани инкор қиласди.

Бу холатларда маълум бир ички хатоликлар аниқланади. Умуман, созлаш жараёнида хатоликларни тузатиш нархи вақтга тўғри пропорционал эканини эсда тутиш лозим.

Дастурий махсулот ишлаб чиқариш жараёнининг қуввати сифатида дастурнинг самарадорлигини (янги дастурнинг ярим ёки бир байт хотирани тежаб қолиши ёки вақтдан унумли фойдаланиши) эмас, балки куйидагиларни тушунчаларни кўзда тутамиз:

Дастурнинг тўғрилигини, яъни хақиқатдан ҳам қўйилган масалани ечиш учун мўлжалланганлиги;

Ишончлилик кўрсаткичи;

- Енгил ўқитувчанлик кўрсаткичи.

Калит сўзлар:

Дастур эффективлиги, Дастур мобилликлиги, Дастур модификацияси,
Дастур ишончлилиги.

Адабиётлар рўйхати:

1. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2002
2. Э. Дейкстра. Заметки по структурному программированию// У. Дал, Э. Дейкстра, К. Хоор. Структурное программирование. - М.: Мир, 1975.
3. Е.А. Жоголев. Технологические основы модульного программирования. //Программирование, 1980,

10-Маъруза

ХАТОЛАР. ХИМОЯЛАНГАН ДАСТУРЛАР. ХАТОЛИКЛАР СИНФИ, ХАТОСИЗ ДАСТУРЛАШ.

Режа:

- 1. Хатолар**
- 2. Химояланган дастурлар**
- 3. Хатоликлар синфи, хатосиз дастурлаш.**

Хатолик сифатида дастурнинг нотугрилиги ёки жараённи исталган холда узгариши кузда тутилади. Одатда агар дастур фойдаланувчи учун зарур булган харакатларни бажармаса бундай дастур хато дастур хисобланади. Дастурдаги хатоликлари жараёни мураккаб жараён хисобланадики уни таккослаш учун маълум бир этalon мавжуд булмайди. Шунга кура умуман хатосиз дастур ёзиб булади деб айтиш мукин эмас.

Дастур махсулоти яратилиши жараёнида барча хатоликлар аникланишининг 46% созлаш жараёнига келган холда 54% уни баҳолаш ва ишлатиш жараёнларга тугри келади.

Дастур махсулоти яратилиши боскичларни хатоликларни тузатиш таннархи боскичма-боскич олиб ошиб боради. Дастур яратилиши жараёнида системали таҳлил боскичида хатоликларни тузатиш бутун махсулот таннархнинг 2% ни ташкил килган холда, конструкциялаш боскичида 4% дастурлашда 7%га созлашга 12%га ва кузатиб боришга 75%га ошади.

Хатоларни тузатиш 20%
Модернизация 60% (янгилаш)
Адаптация 20% Мослашувчанлик

Хатоликларни қуидаги услубларга ажратиш керак:

1. Системали хатоликлар - бирор алгоритмнинг тўла равишда келтирилмаганлигидан келиб чиқади.

Лойихалашнинг дастлабки боскичларида системаға берилган мақсадларнинг барчасини аниқлаш мураккаб жараён хисобланади. Шунга кўра маълум бир талаблардан четлаштириш рўй беради, улар системали хатоликларга олиб келади.


2. Масалани тавсифлашдаги хатолик - Айрим холларда дастурга булган талаблар нотугри аникланади. Бунинг натижасида эса нотугри куйилган масала асосида тугри ёзилади.

3. Алгоритми танланадиган хатоликлар - бу хатоликлар одатда бутун дастур махсулоти яратилиб булгандан кейин аникланиши мумкин.

4. Алгоритмик хатоликлар - бу хатоликлар масаланинг тугри ва аник берилмаганлигидан келиб чикади яъни бунда ечимга олиб келувчи барча шарт тавсифланмайди.

5. Технологик хатоликлар – булар сифатида йул куйилган хатоликларни курсатиш мумкин. Уларга барча хатоликларнинг 10 %ни ташкил килади


6. Дастурий хатоликлар - одатда уларнинг сони ишлаб чиқарувчининг класификациясига тегишли. Дастурий хатоликлар сифатида алгоритмли ва системали хатоликларга нисбатан ўзгаритиш киритилишини тақозо қиласи.




Дастур аниқлиги (хатосизлиги)

Дастурий махсулотнинг аниқлиги ёки тўғрилиги сифатида дастур обьектигининг маълум бир этalon сифатида қабул қилинган характеристикалар ва қонунларга бўйсунишига айтилади. Дастурниг тўғрилиги ва аниқлигига бўлган талаблар маълум бир стандартлар сифатида қабул қилинган. Бу стандартларга кўра дастурий махсулотнинг тўғрилиги ва аниқлиги унинг қай даражада структурали дастурлаш асосларидан фойдаланганлигига тегишлидир.

Дастурлашда блок-схемани ишлаб чиқаришда хам хатолик мавжуд



Хатоларни тузатиш нархини дастурий таъминот лойихалаш вақтига боғлиқлиги



Калит сўзлар:

Хатолик, Хатолик синфлари, Хатолар манбалари, Хатосиз дастурлаш

Адабиётлар рўйхати:

1. Е.А. Жоголев. Технологические основы модульного программирования. //Программирование, 1980,
2. Г. Майерс. Надежность программного обеспечения. - М.: Мир, 1980.

11-Маъруза

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ ТЕСТЛАШ. ТЕСТЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ. ТЕСТЛАШ БОСҚИЧЛАРИ. ТЕСТЛАШ АКСИОМАЛАРИ

Режа:

- 1. Дастурий таъминотни тестлаш**
- 2. Дастурни тестлаш аксиомалари.**
- 3. Тестлаш принциплари ва усуллари.**
- 4. Тестлаш босқичлари**

Тестлаш – бу дастурий махсулотнинг ишлаш жараёнида ишламайдиган қисмини топишидир.

Тестлаш дастурий махсулотнинг хатоликларини тузатишдаги асосий усул хисобланади. Дастурни қайти тайёрлаш дастурий махсулотнинг етишмовчилигини тўлдириш жараёнидир. Агар дастур анчагина тестлар тўпламидан кейин хам тўғри натижалар чиқариб берса, бу дастурда хато йўқ деган асос бўлиши керак эмас. Бу пайтда дастурни тўғрилик даражасида гапириш мумкин.

Тест – бу олдиндан хисобланган оралиқ ва охирги натижалари маълум бўлган дастурнинг тўғрилигини назорат қилувчи воситадир. Тестни шундай танлаб олиш керакки, дастурчи натижани тестни ишлатишдан олдин хисоблаб билсин.

Тестлаш жараёни босқичларга бўлинади:

1. Нормал шароитда текширув
2. Экстремал шароитда текширув
3. Айрим шароитда текширув

Тестлаш принциплари:

1. Дастурий махсулотни ишланмасини тестлашни асосий масала деб хисоблаб, дастурчи ёзган дастурни тестлаш мақсадга мувофиқ эмас.
2. Дастурни тўғрилигини кўрсатадиган эмас, балки хатоларни топиш эҳтимоли катта бўлган тест.
3. Тестларни тўғри ва тўғри бўлмаган қийматлар учун тайёрланг.
4. Тестларни компьютерда ўтказишни хужжатлаштиринг, хар бир тестнинг натижасини майдалаб ўрганинг.
5. Хар бир модулни дастурга фақат бир марта уланг. Тестлашни осонлаштириш учун хеч қачон дастурни ўзгартиринг.

6. Дастурий махсулотни текшириш билан боғлиқ бўлган тестларни қайта ўтказиш ёки дастурий махсулотни ишлатиш билан ва агар қўп ўзгартириш киритилган бўлса, бошқа дастурлар билан боғлиқлигини текшириш билан боғлиқ бўлган тестларни қайта ўтказиб юборинг.

Қўйидаги масалага тестлар ёзинг. Параллелипипед диагоналининг узунлиги формуласи бўйича топилади. Шу масалага нормал, экстремал ва айрим холлар учун тест ёзинг.

Параллелипипед томонлари			Изох
1	1	1	Яхши тестлар $d=1.7320508$
1	2	3	
0	0	0	Натижа 0 га тенг бўлиши керак
0	1	2	
1	0	3	Нотўғри қийматлар
2	1	0	
1	-6	3	Айрим холатлар
A	B	C	

Тестлаш аксиомалари:

1. Тўғри тест деб, хатони топиш имкониятини берадиган тестга айтилади.
2. Тестларни хужжат кўринишида расмийлаштириб дастурий махсулот хужжатлари билан биргаликда сақлаш зарур.
3. Тестларни нафақатгина тўғри кириш маълумотлар учун тайёрлаш керак, нотўғри маълумотларни хам (айрим холатлар учун) киритиш керак.
4. Хар бир тест натижасини тахлил қилиш керак.

Тестлашни асосий усуллари:

1. Юқориловчи тестлаш
2. Пасаювчи тестлаш
3. “Sandwich”
4. Автоном ростлаш

Дастурий махсулот бир неча модулдан иборат юқориловчи тестлаш усулида энг пастдаги содда оддий модуллардан бошлаб тестлаш бошланади.

Энг асосий модулдан бошлаб тест жараёни ўтказилади ва кейин оддий модулларга тест ўтказилади.

Кўп холларда юқориловчи ва пасаювчи тестлашнинг комбинациясидан иборат “Sandwich” деган усул ишлатилади. Бу усулнинг маъноси шундаки бу икки тестлар жараёни ростманаёткан дастур структураси ўртасида қандайдир бир модулга учрашиб қолмагунча пасаювчи ва юқориловчи тестлаш бир вақтда бажарилади.

Яна бир усул бу автоном ростлаш усули. Яъни хир-бир модуль алохида (автоном) кўринишда тестланади.

Дастурлаш воситаларини лойихалаштиришнинг технологик таъминоти

Бу таъминотга дастурлаш воситасининг яшаш циклида аниқланган барча технологик жараёнлар киритилади. Бу жараёнда олиб борилган хужжатларда дастурлаш воситаларини эксплуатация қилиш ва кузатиб бориш акслантирилган бўлади. Улар лойихалаш босқичларини, уларнинг натижаларини ва синов усулларини аниқлайди. Шу билан биргаликда таъминотда дастурлаш воситасини автоматлаштириш учун зарур бўлган инструментал воситалар келтирилади.

Калит сўзлар:

Тест, Тестлаш принциплари, Тестлаш аксиомалари

Адабиётлар рўйхати:

1. Д. А. Чернев. Технология разработки программного обеспечения.// Издательство “Мехнат”, 2004
2. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2002
3. Э. Дейкстра. Заметки по структурному программированию// У. Дал, Э. Дейкстра, К. Хоор. Структурное программирование. - М.: Мир, 1975.

12-Маъруза

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ СОЗЛАШ. УНИНГ УСУЛЛАРИ, РЕЖАСИ.

Режа:

- 1. Дастурий таъминотни созлаш**
- 2. Созлаш усуллари**
- 3. Созлаш режаси**

Созлаш тестлаш жараёнида аниқланган хатоликларни тузатиш, дастурнинг узилишсиз ишлашини таъминлаш жараёнидир. Созлаш икки хил йўналишда олиб борилади:

- 1. Интерактив**
- 2. Комплекс**

Интерактив холатида дастурни созлаш ва тестлаш, маълум бир ахборот чиқарилиш диалог равишида олиб борилади.


Комплекс равишида созлаш жараёнида эса, хар бир дастур ва модул алоҳида созлангандан сўнг бу дастур ва модуллар биргаликда ишлаши таъминланиб бутун дастурий махсулот умумлигича созланиши кўзда тутилади.

Тестлаш жараёнида дастурчи имкони борича кўп хатоликларни топишга харакат қиласи. Бу хатоликларни топишдан асосий мақсад уни тузатишдан иборат. Топилган хатоликларни тузатиш жараёни созлаш (отладка) деб аталади.

Созлаш хатоликларни белгилари бўйича аниқлашдан бошланади ва у кўп марта тестлаш, хатоликлар сонини камайтириб олиш ва уларни тузатиш босқичларидан иборат.

Агар дастурни ишлашини тестлаш натижалари кутилаётган этalon натижаларига мос келмаса, унда аввал хатолик турини аниқлаш зарур сўнгра, уни дастурдаги ўрнини топиш зарур. Биринчи навбатда дастурда қайси қисми тўғри бажарилган ва қайси бири нотўғри бажарилганлигини текширмоқ керак.

Дастурни созлаш умумий схемаси



Шундай текширув натижасида хатоликни табиати хақида бир ёки бир неча фикр (гипотеза) ишлаб чиқылади.

Ундан сўнг чиқувчи маълумотларни ўрганиш керак. Агар хатоликни ўрни топилған бўлса, яна бир неча бор текшириши бажариш керак. Бунда топилған хатоликни тузатиши бошқа янги хатолик вужудга келтирмаслигига эътибор бериш керак. Хатоликни ўрни топилғандан кейин уни тузатиши керак. Тузатиши дастурни асосий матн листингидан амалга ошириш керак. Берилган матнни тузатишига кетган вақт ва уни компиляция қилиш учун кетган вақт кейинчалик ўзини оқлади.

Берилган матн тузатилгандан сўнг назорат тестларидан дастур яна бир марта ўтказилади. Дастурни ихтиёрий тузатиши уни яна тестдан ўтказишни талаб қиласи. Кўпгина юқори даражали дастурлаш тилларида, мулоқотли – созловчилар ишлатилади. Уларни созлашни интерактив режимда олиб бориш имконини беради.

Улар қуйидаги имкониятларни беради:

1. Қадамма – қадам бажариш. Дастур оператор кетидан кейинги оператор бажарилиб, бошқариши созловчига хар қадамдан кейин узатилади.


2. Узатиши (прогон) дастурни бажариш кўрсатилган оператордан бошланиб тўхтовсиз бажарилади.

3. Назорат туқтали узатиши. Дастурда назорат нуқталари рўйхатида кўрсатилган операторлар бажарилганидан кейин бошқариш созловчига узатилади.

4. Хотирадаги маълумотлар мазмунини қўриб чиқиш ва ўзгартариш.

5. Регистрда маълумотлар мазмунини кўриб чиқиш ва ўзгартериш

Созловчи ёрдамида созлаш схемаси



Ташкилий таъминот.

Дастурлаш воситаларини яратишдаги ташкилий таъминот хужжатларни тўғри расмийлаштиришдан иборатdir. Бу хужжатлар программалар воситасининг яратилиш босқичларини акслантириш билан биргаликда ишлаб чиқарувчи гурухининг бир бири билан мулоқотини, ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар билан мулоқотини, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзининг иши учун жавобгарлик ўлчамини ўз ичига олади. Ташкилий таъминотга услубий ва технологик таъминотлар таъсир кўрсатади. Бу таъминотда дастурлаш воситалари яшаш цикли босқичлари акслантирилган бўлиши лозим. Юқорида келтирилган барча таъминотлар биркалика бутун бошли бир дастурлаш воситасини яратишга қаратилган бўлиши лозим.

Ускунавий таъминот.

Бунда хар қандай ЭҲМнинг қурилмалари ва уларнинг қуввати хисобга олиниши лозим. Қувват деганда қуйидагиларни назарда тутамиз:

- Хар бир ишлаб чиқарувчиларга тўғри келаётган ЭҲМнинг тезлиги;
- Турли хил ЭҲМлари билан алоқа қилиш имкониятига эга бўлган ва хар бир дастурий махсулотлар ишлаб чиқарувчиси муражгаат қилиш имкониятига эга бўлган дисплейлар сони.

Яратилган технологик системалар самарали равишда ишлаши учун тезлиги юқори бўлган ЭҲМлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Шу билан биргаликда имконият борича бир вақтнинг ўзида ЭҲМда бир нечта

ишлиб чиқарувчининг ишлаши мақсадга мувофиқдир. Буни эса махсус системалар ёки тармоқлар орқали амалга ошириш мумкин.

Калит сўзлар:

Дастур модулининг асосий характеристикаси, Модуль ўлчови, Дастур таркиби, Статик назорат, ДТ отладкаси (созлаш).

Аабиётлар рўйхати:

1. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2002.
2. Е.А. Жоголев. Технологические основы модульного программирования. //Программирование, 1980.

13-Маъруза

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ БАХОЛАШ. КИРИШ ВА ЧИҚИШ ХУЖЖАТЛАРИ. ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ХОССАЛАРИ

Режа:

- 1. Дастурий таъминотни бахолаш**
- 2. Кириш ва чиқиши хужжатлари**
- 3. Дастурий таъминот хоссалари**

Дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, дастурлаш воситаси, дастурлар комплекси сифатида универсал кўринишга эга бўлган кенг оммага мўлжалланган, реклама қилинган ва хамма вақт ишлаш холатида сақланадиган, узоқ вақт давомида қўлланилса кенгайтирилиш имкониятига эга бўлган дастурий таъминот тушунилади.

Дастурий маҳсулот хусусий холда дастурий хужжатлар, кафолат кўрсаткичлари, реклама, ўқитиши, кенг тарқалиш ва кузатиб боришдан ташкил топган.

Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўйидагиларни хисобга олиш керак бўлади:

1. Фойдаланувчининг талаблари иложи борича ишлаб чиқарувчи томонидан қабул қилиниши лозим.
2. Дастурий маҳсулот турли хил техник қурилмаларда ишлаши ва турли хил самарали дастурлаш воситаларини кўзда тутиши лозим.

Дастурлашнинг автоматлаширилган системалари алгоритмик тиллар мажмуасидан ташкил топган бўлиб, автоматлаштирилган бошқариш алгоритмларини машина тилига ўтказиш учун мўлжалланган бўлиши лозим.

Умумий кўринишда бу тил қўйидагилардан ташкил топади:

- битта ёки бир нечта кириш тилларидан
- лойихалаштиришнинг маълумотлар базасидан
- дастурий маҳсулотларга зарур бўлган хужжатлардан

Дастурлашни автоматлаштирилган системалари қўйидаги функцияларни бажариш учун мўлжалланган:

- кириш тилида ёзилган дастурлардаги синтаксис ва семантик хатоларни аниқлаб, бу хатоликларнинг тuri, жойи хақидаги ахборотни чиқариши;
- кириш тилида келтирилган модулларни объект кодига айлантириши;
- техник хужжатлар ёзилишини автоматлаштириши, зарур бўлган холларда маълум жойларни ўзгартириши.

Дастурлаш воситаларини ишлаб чиқариш жараёнининг дастлабки босқичида унинг умумий тузилиши аниқланиб, модуллараро боғлиқлик белгиланади. Хар бир модуль функционал тугалланган бўлади. Демак, модуллар уларни чақираётган ва улардан чақирилаётган модулларга

боғлиқ бўлмасдан, автоном кўринишда расмийлаштирилади. Модуллар мутақиллигини қуидаги иккита автоматизациялаш усули орқали амалга ошириш мумкин:

1. Модулдаги ички боғлиқликни қучайтириш орқали.
2. Модуллараро боғлиқликни камайтириш орқали.

Агар дастурни маълум бир қўринишдаги муносабатлар ёрдамида боғланган гаплар кетма-кетлигидан ташкил топган деб ҳисобласак, унда асосий бажарадиган вазифа, турли модуллардаги гапларнинг боғланиши эса кучсиз бўлсин.

Бунда қуидагиларни хисобга олиш лозим: Кант қоидалари

1. Модуль тугалланган дастур бўлиб, маълум бир мантиққа эга бўлган битта ёки бир нечта функцияларни бажариш учун мўлжаллангандир. Функциялар модулнинг ташки тавсифи бўлиб, у модулнинг нима иш бажараётгани хақидаги ахборотга эга бўлади.

2. Модуль мустахкамлик хусусиятига эга бўлиши лозим. Модулнинг мустахкамлиги унинг ички алоқалари орқали баҳоланади.

3. Боғлиқликни амалга оширишда стандарт қонунлардан фойдаланиш лозим. Бунда бошқариш ва ахборот алмасиниш орқали боғлиқлик кўзда тутилади.

4. Дастурлар комплекси унчалик катта хажмга эга бўлмаган модуллардан ташкил топган бўлиб, бу модулларининг боғлиқлиги иерархик тузилишда акслантирилмоғи лозим.

5. Қоидага кўра хар бир модуль 10тадан 100гача бўлган юқори сатҳ тиллари операторларидан ташкил топиши керак. Модулларнинг ўлчами дастур элементларининг мустақиллигини ошириб, дастурни ўқиш ва тестлаш жараёнларини енгиллаштиради.

6. Айрим модулларни айрим функциялардан ташкил топган кўринишда расмийлаштириш модуллар мустахкамлигини таъминлайди.

7. Модулни ишини олдиндан кўра билиш лозим у ўзининг дастлабки ишлатилишларига боғлиқ бўлмасин.

8. Ечимларни қабул қилиш структураси аниқланган бўлиши лозим. Бу талабга кўра, қабул қилинаётган ечимлар таъсир қилаётган модуллар чиқариладиган модуллар сифатида расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

9. Маълумотларга мурожаат қилиш минимумга олиб келтириши керак, яъни хар бир модуль талаб қилинаётган маълумотлар хажми иложи борича кичикроқ бўлиши лозим.

10. Процедуралар биланмурожаат алмасиниш кўзда тутилиши керак. Процедуралар ўзларининг параметрлари ёрдамида дастлабки маълумотларга эга бўлиб, натижавий қийматларни ўзига нисбатан ташки бўлган процедураларга узатадилар.

Дастур модулларини бошқариш бўйича боғлаш қонуниятлари : Ван Тассел.

1. Чакирилаётган модулга бошқаришни узатиш хамма вақт унинг боши орқали амалга оширилиши лозим, яъни бошқариш чакирилаётган модулнинг биринчи оператори ёки биринчи командасига узатилиши керак.


2. Чакирилаётган модулдан чиқиш унинг табиий охири орқали амалга оширилади, яъни модулдан чиқиш у ишини тугаллагандан сўнг бажарилади.

3. Чакирилаётган модуль ишини тугаллагандан сўнг бошқариш бу модулни чакирган оператор ёки командадан кейинги операторга узатилади.

4. Қуйи сатҳда жойлашган модуллар ёки бир сатҳда жойлашган модуллар ўзидан юқорида турган модуллар томонидангина чакирилиши мумкин.

5. Хар бир модулда синов ва созлаш воситаларидан фойдаланиш керак. Бу кўринишдаги харакатларни бажарувчи операторлар эса, модулнинг охирида жойлашиши тавсия қилинади.

Дастурий таъминот архитектураси



14-Маъруза

СИФАТЛИ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ХОССАЛАРИ. ТУШУНАРЛИК, ФОЙДАЛИК, МОБИЛЛИК, ИШЛАТИШГА ҚУЛАЙЛИК, КЕНГАЙТИРИЛМОҚЛИК. ДАСТУР СИФАТИНИ МЕТРИК БАХОСИ

Режа:


- 1. Сифатли дастурий таъминот хоссалари**
- 2. Тушунарлик, фойдалик, мобиллик, ишлатишга қулайлик, кенгайтирилмоқлик**
- 3. Дастур сифатини метрик баҳоси**

Сифатли дастурий таъминот хоссаларига қуйидагилар киради:

1. Дастурий таъминотнинг ишончлилиги. Дастурий маҳсулот фойдаланувчи учун зарур бўлган барча ахборотни бера олмас экан, бу маҳсулотни ишончли деб бўлмайди ёки бу холда дастурий маҳсулотда хатолик мавжуд дейилади. Дастурий таъминотдаги хатоликлар унинг ички хусусиятлари бўлиб хисобланмайди. Дастурий таъминотда маҳсулотни қанча кўп созланса, ёки тестланса, у шунча яхшироқ ишлайди деган тушунчани инкор қиласи. Бу холатларда маълум бир ички хатоликлар аниқланади.
 2. Ишончлилик – бунга маълум бир вақт мобайнида дастурий маҳсулотнинг узилишсиз ишлаш мезони киритилади.
 3. Умумийлик – бу корхонанинг қуввати, ишлаш кўлами ва сони билан характерланади. Бу гурухларда дастурий таъминот иложи борича умумий кўринишда расмийлаштирилиши кўзда тутилади.
 4. Тайёр системанинг психологик омиллари - бунда дастурий маҳсулотнинг енгил, тушунувчанлик, қўллашга қулайлик, нотўғри қўллашдан химоялаш каби тадбирлари тушунилади.
 5. Мосланувчанлик – бу қўрсаткич ёрдамида дастурий маҳсулот кенгайтирилиши амалга оширилади, унга зарур бўлган холда оддий равишда фойдаланувчининг функцияси киритилиши мумкин бўлсин. Мослашувчанлик ва ишончлилик талаблари хамма вақт биргаликда келади.
 6. Кузатиб боришда қўллайдиган қулайлик – бунда вақт мезони хисобга олинади. Шу билан биргаликда ишлаётган системадаги хатоликларни тузатиш учун кетган вақт шу гурухга киради. Бу гурух ишончлилик талабларини тўла қондирилиши лозим, чунки бу гурухнинг иши мослашувчанлик билан бирга олиб борилади.
 7. Хавфсизлик – бунда зарур ахборот сақланган файллар ёки директориялар бошқа файллар томонидан тасодифан ўчирилиб кетиш эҳтимоллиги кўзда тутилади.
- Шунга кўра иложи борича структурали ёки дастурий химоялаш воситаларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

8. Дастурий махсулот таннархи – бунда даствабки ишлаб чиқаришга ва кузатиб боришга кетган маблағлар хисобга олинади. Одатда махсулотнинг нархи ундаги мавжуд хатоликларга тескари пропорционал боғлиқ бўлади. Шунга кўра, дастурий махсулот қанчалик ишончли, умумий, мослашувчан, хавфсиз бўлса, унинг нархи шунча юқори бўлади.

ДТ сифат характеристикаларини “даражат” кўринишида кўрсатиш мумкин



Дастур компоненталарининг структурали тузилиши

Иерархик сатхлар тузилиши жараёнларига кўра, тавсифлаш усулига қараб, хажмига ва бошқа кўринишларига кўра, дастурлар комплексининг қуидаги сатхларини ажратиш мумкин.

- Операторлар ва операндлар; улар дастур матнида келтирилган компоненталарга мос келиши лозим.
- Дастурий модуллар; булар тугал дастурлар матнидан ташкил товган компоненталардир.
- Дастурларнинг функционал гурухлари ёки амалий дастурлар пакети келтирилади.
- Дастурлар комплекси. Булар бир мақсадга йўналтирилган тугал дастурлаш воситасидир.

Иерархик сатхнинг кўпайиши билан биргаликда ЭХМ томонидан ишлов берилиши лозим бўлган командаларга мос ўзгарувчиларнинг сони ортиб боради. Дастурлаш тилининг операторлари хар қандай модулнинг энг

кичик компонентаси хисобланади. Операторларнинг тоифалари унчалик кўп эмас. Ўз навбатида хар бир оператор алгоритм томонидан келтирилган 1-10 тагача командаларни бажариши мумкин. Дастурлаш тилининг муракқаблик сатхи ошиши билан тилни ташкил қиласкан операндларнинг функционал мураккаблиги ошиб боради. Одатда дастур модуллари унча катта бўлмаган функционал масалани ечишга мўлжалланган бўлиб 100 та оператор командаларидан таккил топади.

Дастурларнинг функционал гурухлари ёки амалий дастурлар пакети бир неча ўн модулдан ташкил топиши мумкин. Бу модуллар эса бир неча функционал тугал масалани ечади. Модулларнинг сонига қараб бутун дастурдаги командалар сони ошиб боради. Дастурлар комплекси муракқаб модулларни ечишга мўлжалланган бўлиб, хисоблаш, илмий техника модулларида ахборотга ишлов беришга йўналтирилган бўлади. Комплекс хар бири ўз навбатида бирор тугал масалани ечишга мўлжалланган дастурларни бирлаштиради. Мос равишда дастурларда модуллар ва операторлар сони ошиб боради.

Дастурлаш воситаларини лойихалаштиришнинг инструментал таъминоти. Бу таъминот дастурлаш воситалари ва хисоблаш техникаси воситаларидан ташкил топади. Автоматлаштириш сатхи, унинг самарадорлиги шу босқичда аниқланган техникага боғлиқ бўлади. Босқичда аниқланган хисоблаш техникаси бирор бир яратилган дастурий маҳсулотнинг нусхаларини кўпайтириш ва унинг универсаллигини ошириш имкониятига эга бўлмоғи лозимдир.

Ишлаб чиқарувчиларнинг дастурий таъминоти мавжуд бўлган ёки яратилаётган лойихалаштиришнинг автоматлаштирилган системаларига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқаришни хар бир босқичи учун ўзининг автоматлаштирилган системаларини кўллаши мумкин.

Бу лойихалаштирилаётган дастурий маҳсулотнинг ўзига хос бўлган томонлари билан боғлиқ бўлади.

Яшаш циклида дастурий маҳсулотларни яратиш ва уни кузатиб бориш босқичларини автоматлаштириш мақсадга мувофиқ хисобланади. Бунда қуйидаги воситалардан фойдаланиш мумкин:

- дастурлар спецификациясининг трансляторларидан;
- дастурларни статик ва динамик равишда тестлашни режалаштириш.

15-Маъруза

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ ИШЛАТИШ. ТЕГИШЛИ ХУЖЖАТЛАР. ИШЛАТИШГА КЎРСАТМАЛАР. ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ АРХИТЕКТУРАСИ.

Режа:

- 1. Дастурий таъминотни ишлатиш**
- 2. Тегишли хужжатлар**
- 3. Ишлатишга кўрсатмалар**
- 4. Дастурий таъминот архитектураси**

Шу пайтда дастурий таъминотни татбиқ жараёни ўтказилади ва шу билан бирга кузатиш, ходимларни ўқитиши ва зарур бўлган пайтда махсулотни кенгайтириш. Агарда олдинги босқичлар тўғри ва сифатли ўтказилган бўлса, бу якуний жараён хатосиз ўтади.

Дастурий таъминот эксплуатация (ишлатиш) жараёни қўйидагилардан иборат:

1. Дастурни компьютерга киритиб, кириш маълумотлари устада амаллар бажариш.
2. Кутидиган натижаларни олиш.
3. Дастурий таъминот ишончлилигини таъминлаш.

Дастурий таъминотни кузатиб бориш жараёни қўйидагилардан иборат:

1. Эксплуатацион хизмат қилиш.
2. Дастурий таъминот зарур бўлган характеристикаларини таъминлаш
3. Дастурий таъминотни хар хил хисоблаш тизимларига ўтказиш ва мослаштириш.

Дастурий таъминотни кузатиб бориш жараёнида унга қўйидаги ўзгаришларни киритиш лозим:

1. Хатоларни тузатиш
2. Дастурий таъминотда ишлатиладиган аппаратура конфигурациясига мослаштириш.
3. Модернизация – дастурни функционал хоссаларини яхшилаш.

Хатоларни тузатиш 20%

Модернизация 60%
(янгилаш)

Адаптация 20%
Мослашувчанлик

Дастурий таъминотга тегишли хужжатлар

Юқорида кўрсатилган асосий 4та хужжатдан:

1. “Масала қўйилиши”
2. “Техник топшириқ”
3. “Ташқи спецификация”
4. “Ички спецификация”

Ташқари 2та қўшимча хужжат мавжуд:

5. “Фойдаланувчига кўрсатма”
6. “Дастурчига кўрсатма”

Агарда фойдаланувчига кўрсатма хужжатида оператор сифатида ишлайдиган ходимларга керак бўлса, (яъни улар дастурлаш билан таниш эмас).

Унда дастурчига кўрсатма хужжати дастурий таъминотни модификация ва хатоларни тузатишида муттахассисга йўналиш бериши керак.


Дастурлаш йўли деганда мохир дастурчилар қўллайдиган шундай усуллар кўзда тутиладики, дастурлар тўғри, ишончли, самарадор, енгил ўқилувчан ва қўллашга қулайкўринишда бўлади. Хар қандай дастур шундай ёзилиши керакки, масалани қўйилиши билан таниш бўлмаган хар қандай дастурловчи бу дастурни бемалол тушуниш имкониятига эга бўлсин, яъни дастурлар компьютерлар томонидан эмас, одамлар томонидан енгил ўқилмоғи лозим. Дастурнинг енгил ўқилувчанлигини структурали дастурлаш кўрсаткичлари орқали таъминлаш мумкин.

Бутун дастурни ташкил қилган блоклар, модуллар зинасимон поғонани ташкил қилиши лозим. Дастурларда қўлланиладиган хар бир таркибий оператор ўзига нисбатан ташқи бўлган бошқа таркибий операторга нисбатан, бир-икки позиция ўнгроқقا сурилган бўлиши лозим. Хар бир таркибий оператор (`begin`) қайси сатҳда бошланса, унга қарашли `end` худди шу сатҳда жойлашиши лозим

Дастурлашда шартли ва циклик операторлари қисқа кўринишга эга бўлса, уларнинг хар бири биттадан сатрни эгаллашлари тавсия қилинади; шартли

ва циклик операторларнинг узун кўринишидан фойдаланишга тўғри келса, хар бир шохчадаги харакатлар кетма-кетлиги алоҳида блок сифатида ажратилиши қулайдир.

ДТ сифат характеристикаларини “дараҳт” кўринишида кўрсатиш мумкин



Дастур маҳсулотининг архитектураси

Дастур маҳсулотини архитектураси деганда, бу маҳсулотни ташкил қилувчи компоненталарининг лойихаси, бу компоненталарнинг қай даражада бир бири билан боғланиши назарда тутилади. Агар алоҳида бир дастур ишлаб чиқарилаётга бўлса, унинг учун дастлаб қиймат вазифасини деталлаштирилган ташки спецификациялар ўтайди. Агар дастур маҳсулоти ишлаб чиқарилаётган бўлса, унинг учун дастлабки қиймат вазифасини деталлаштирилган ташки спецификациялар билан биргаликда системанинг функционал архитектураси ўтайди.

Дастур маҳсулотининг архитектураси яратилиши жараёнида уни ташкил қилувчи модулларнинг ва уларнинг иерархик структураси назарда тутилади.

Модулларни ташкил қилувичи энг кичик компоненталар дастурлаш тилининг операторлари хисобланади. Операторларнинг сони унчалик кўп эмас ва хар бир оператор ўз навбатида ЭХМда 10 тагача бўлган команда орқали амалга оширилади. Модуль сифатида ўзини алоҳида компиляция қилиш имкониятига эга бўлган бошқа дастурий бирлик тушунилади. Модуллар одатда унчалик катта бўлмаган функционал масалани ечиш имкониятига эга бўлиб, улар мос равишда 100 тагача бўлган операторлардан ёки 1000 тагача бўлган асSEMBLER командаларидан ташкил топиши мумкин. Хар бир модул ўз навбатида ўнлаб тоифадаги ўзгарувчиларнинг қийматини қабул қилиши ва камроқ сондаги ўзгарувчиларни бошқа модулларга узатиши мумкин.

Агар модуль катта хажмдаги масалани ечиш учун мўлжалланган бўлса, уни кичикроқ хажмдаги бир неча модулларга ажратиш тавсия қилинади. Модулларнинг сони 10 тадан 100 тагача бўлса, унда бирор бир функционал қўлланишга молик бўлган система яратилади.

Одатда бир неча дастур комплекси дастур маҳсулотини фан ва техника, ишлаб чиқаришдаги ахборотларга ишлов берувчи ва бошқарувчи мураккаб масалаларни ечиш учун мўлжалланган. Бунда, дастур маҳсулоти архитектурасига қўйидаги хусусиятлар боғланган:

1. Вертикал равишда бўйсиниш, яъни хар бир қўйи сатҳдаги модуль ўзидан юқори сатҳда турган модулга боғлиқ равишда ишлайди.
2. Хар бир юқори сатҳдаги модуль ўзидан қўйида жойлашган модулларнинг ишига аралashiши ва уларни ўзгартириш имкониятига эга бўлиши керак.
3. Юқори сатҳдаги компоненталарнинг ўзаро алоқаси ўзидан қўйидаги компоненталарнинг ўзаро алоқасидан химояланган бўлиши лозим.

Калит сўзлар:

Хулосалар, Текширувчанлик, Ички спецификация хужжати, Татбиқ қилиш стратегияси

Адабиётлар рўйхати:

1. Г. И. Иванова “технологии программировоний”. Москва 1992г.
2. Г. И. Иванова “программирование”.
3. Ван-Тассел “стиль, эффективность, программа”. Москва 1982г.

АДАБИЁТ

1. Д.А.Чернев. Технология программирования, 2003, Ўқитувчи
2. Д.А.Чернев. Технология разработки программного обеспечения 2004
Тошкент: Мехнат
3. Г.С.Иванова. Технология программирования, 2002, М.:МГТУ им.
Баумана
4. Г.С.Иванова. Основы программирование, 2001, М.:МГТУ им. Баумана
5. Кнут Д. Искусство программирования для ЭВМ: Получисленные алгоритмы, 1977 М.,:Мир.
6. Кнут Д. Искусство программирования для ЭВМ: Т.2. Получисленные алгоритмы, 1977, Справочное издание - М. : Мир
7. Кнут Д. Искусство программирования для ЭВМ: Т. 3 : Сортировка и поиск, 1978, М.: Мир.
8. Вирт Н. Алгоритмы + структуры данных= программы, 1985, М. Мир
9. Вирт Н. Алгоритмы и структуры данных: с примерами на Паскале, 2005
СПб. : "Невский диалект"
- 10.Г.Иванова и др. Объектно-ориентированное программирование, 2001,
М.:МГТУ им. Баумана

11. Липаев В.В. Надежность программных средств. - М.: «Синтег», 1998.
12. Косимова Ш.Т., Чернев Д.А. Программалаш технологиясиға кириш.
Укув кулланма. Тошкент: ТошДТУ, 1997.
- Н.Х.Латипова. Д.А.Чернев «Дастурлаш технологияси» фанидан тажриба ишларини утказиш буйича методик курсатмалар. Т: ТошДТУ, 2000.